# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

26 (972)-сон
1 — 7 июль 2010 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz



3

**АВВАЛ ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ**



4

РАЪНО ЯРАШЕВА: **ТЕАТР — ҲАЁТИМ МЕНИНГ, ТАҚДИРИМ МЕНИНГ**



6

**ҚАНДАЙ СУТ ИЧГАН МАЪҚУЛ?**

**УЛКАН БОДРИНГ**



14



Собир НАРЗИЕВ
сурат-лавҳаси.

# *Ярашади бошга дўппилар.*

**КЕЧА:**

➔ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакилларига табрик йўллади.

➔ "Жаҳон" ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даврида эришилган қатор муваффақиятларни алоҳида эътироф этдилар.

➔ Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида муай-тай бўйича ниҳоясига етган X Осиё чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари медаллар сони бўйича энг юқори поғонани эгаллашди.

**БУГУН:**

➔ Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида ўтказилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи доирасидаги саноат тармоқ ярмаркалари яна ўз ишини давом эттиради.

➔Бундан 16 йил аввал, яъни 1994 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага киритилган эди.

**ЭРТАГА:**

➔ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун(1992) сифатида нишонланади.

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**

Хизматга шай посбонлар 2
Махфий васият қандай тузилади? 3
Номи бутун одам 5
Қиёматга қолмаган қарз 5
Жинсий ҳаёт кийимга ҳам боғлиқ 6
Теледастурлар 8–9
Аёлларнинг сирли «қуроли» 11
Рене Декарт: буюк ҳасадгўйнинг сўнгги армони 13
Энг арзон ижара уй 14
Уйқу афзалми ё таом? 16

# ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Пекинда Миллий либослар намойиши бўйича 13-халқаро маданият ва дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Хитой халқаро маданият ва дўстлик фестивали ҳамда Шанхайда бўлиб ўтаётган «ЭКСПО — 2010» Бутунжаҳон ярмаркаси ташкилий қўмитаси томонидан уюштирилган тадбирда хорижий дипломатия ваколатхоналари жамоалари, Даляна, Ханчжоу, Пекин ва ушбу мамлакатнинг бошқа шаҳарлари бадиий ансамбллари ҳамда Жануби-Шарқий Осиё минтақаси айрим давлатларининг делегациялари иштирок этди.

Фестиваль меҳмонлари ранг-баранг миллий либослар, мусиқа асбоблари, қўшиқ ва рақслар мажмуасидан баҳраманд бўлишди ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари халқларининг анъаналари билан танишишди.

Пекиннинг Тил ва маданият университети, Ценьхуа университети, Халқаро бизнес ва иқтисодиёт университети каби нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг чиқишлари фестивалнинг энг эсда қоладиган воқеаларидан бири бўлди.

Улар ўзига хос рақсларни, миллий кийимларни, Ўзбекистоннинг халқ амалий усталари томонидан қўлда тикилган ва ишланган ноёб ўзбек сўзаналари ҳамда идиш-товоқларни намойиш этишди, шунингдек, меҳмонларни ўзбекона чойхўрлик анъаналари билан таништиришди.

Фестиваль якунида ўзбекистонлик иштирокчилар ташкилотчиларнинг махсус совғалари билан тақдирланишди.

**«Жаҳон» АА. Пекин**

**ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ**

# ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ХИЗМАТГА ШАЙ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараларини бермокда. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш тизими мустаҳкам қарор топди.**

Соҳа юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида ана шундай кадрлар тайёрланмоқда.

Айни кунларда мазкур даргоҳларда ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётир. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган тингловчиларга дипломлар топширилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

1992 йилда ташкил этилган мазкур академия битирувчилари ўтган йиллар мобайнида тегишли мутахассислиги бўйича фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун зарур билим ва кўникмага эга бўлди.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Ўткирбек Юнусов. — Бу шарафли бурчни касб сифатида танлаган биз, ёшларнинг зиммасига эса янада улкан масъулият юклайди. Мен буни доимо қалбан ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламан.

Академиянинг олий академик курсларида раҳбар кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу курсларда олий юридик маълумотга эга мутахассислар малакасини оширади. Мазкур курсларни битирган офицерларга жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси квалификацияси берилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**


# “ОБУНА — 2010”

**Муҳтарам муштарий!**
**2010 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.**
**Хонадонимизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглимиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улуғроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»-га обуна бўлинг!**

**ИНДЕКС:**

**Якка обуначиларга – 176**
**Ташкилотларга – 177**




# ҲУРМАТЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда, нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

| ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАР | ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8(361) 222-30-11 |
| Андижон | 8(374) 222-17-01 |
| Бухоро | 8(365) 223-70-48 |
| Жиззах | 8(372) 226-10-01 |
| Қашқадарё | 8(375) 226-24-01 |
| Сурхондарё | 8(376) 223-63-25 |
| Наманган | 8(369) 233-29-56 |
| Навоий | 8(436) 226-11-74 |
| Хоразм | 8(362) 226-30-93 |
| Фарғона | 8(373) 224-08-25 |
| Сирдарё | 8(367) 225-07-30 |
| Самарқанд | 8(366) 235-88-44 |
| Тошкент вилояти | 8(371) 241-67-98 |
| Тошкент шаҳри | 8(371) 233-09-39 |






# БЎСТОНЛИКДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Тошкент вилоятининг хушманзара ва сўлим гўшаларидан бири бўлган Бўстонлиқ туманида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши, ОИТСга қарши курашиш маркази, “Маҳалла”, Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида **“Ёшлар — гиёҳвандликка қарши!”** мавзуида фестиваль ўтказилди.

Тадбирда инсоният учун энг жиддий хавф туғдираётган гиёҳвандлик иллатига қарши кураш борасида дунё миқёсида, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам кенг кўламдаги ишлар олиб борилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Энг муҳими, бу офатнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, ёшлар орасида ҳам кенг тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш асосий ўрин тутади. Шу маънода Тошкент вилоятида ушбу долзарб муаммони ҳал этиш билан боғлиқ мулоқотлар, мутахассислар иштирокида уюштирилаётган давра суҳбатлари ижобий самара бераётир.

Тадбир иштирокчилари “Ёшлар — гиёҳвандликка қарщи!” фестивали доирасида ташкил этилган жонли мулоқотлар, саҳна кўринишлари ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан аср вабосига қарши курашда муҳим тарғибот воситаси эканлигини ҳам қайд этишди.

**Наргиза ШИРИНОВА**

# КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Бир замонлар машҳур ҳофизлардан бири Искандар Ёқуб ўғли “Хоразм танбур чизиғи” деб номланган нодир асар намунасини ўз авлодларига мерос қилиб қолдирган эди. Унинг набираси Ҳофиз Оллаҳазаров ўтган асрлардан мерос сифатида сақланиб келаётган ушбу асар қўлёзмасини 2002 йилда Юртбошимизга тақдим этган ва бу ноёб асар Ўзбекистон Давлат консерваториясига туҳфа сифатида топширилган эди.

Яқинда ана шу қўлёзма асосида мусиқашунос олимлар Отаназар Матёқубов, Рустам Болтаев ва Ҳамидулла Аминовлар томонидан “Хоразм танбур чизиғи” деб номланган китоб чоп этилди. Тошкентдаги Миллий санъат марказида ушбу китобнинг тақдимоти ўтказилди. “Фонд Форум”, “ Хоразм Маъмун академияси, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ихтисослаштирилган илмий тадқиқот маркази ҳамда Шарқшунослик институти ҳамкорлигида уюштирилган бу тадбирда санъатшунос олимлар, тадқиқотчи ва талаба-ёшлар, санъат мухлислари қатнашдилар. Сўзга чиққанлар бу китоб нафақат соҳа мутахассислари учун, балки кенг аудиториядаги мусиқа шинавандалари учун ҳам ўзига хос совға бўлганлигини таъкидлашди.

**Ўз мухбиримиз**

# МОҲИР МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ КИМ?

Ҳар йили «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси тасарруфидаги даврий нашрларни тарқатиш тизимида хизмат қилаётганлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг моҳир матбуот тарқатувчи» кўрик-танлови ғолибларини аниқлаш ҳайъат аъзоларига бу гал ҳам осон кечмади.

Ниҳоят мазкур кўрик-танловда биринчи ўринга Шоира Азизова ва Рихси Махаматовалар муносиб деб топилди. Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Мукофотларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов топширди.

**Тамара ХУММАМАТОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

# АВВАЛ ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ...

Инсон соғлиги билан боғлиқ руҳшунос тадқиқотларидан бирида шундай фикрлар келтирилган: «Биз дорини ичаётганда уни қандай қабул қиламиз: шу дори билан тузаламан дебми ёки бу нарсанинг фойдаси бормикан ўзи, деган ўйда бўламизми? Агар иккинчи фикр билан дори қабул қилаётган бўлсангиз, бу муолажадан ростдан ҳам яхши натижа чиқишига умид қилманг».

Бугун туғруқхонага йўл олаётган аксарият аёлларнинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш бир ишончсизлик бор. «Бугун навбатчилик қилаётган доялар яхшимикан, ишқилиб...» Муддатидан аввалроқ турли шифокорлар билан «гаплашиб» қўйган ёки хусусий шифохоналар аҳволи билан қизиқиб юрадиган аёлларимиз эса кўпчиликни ташкил этади. Бу қайсидир маънода яхши. Ахир ҳар бир инсоннинг танлаш имконияти бор, демак шунга кўра шифохоналарда рақобат юзага келади, ҳар бири шароитини янада яхшилашга интилиб, мутахассисларнинг малакали бўлишларига яна ҳам кўпроқ эътибор қаратишади.

Яқинда шаҳардаги туғруқхоналарда ишлаётган мутахассислардан бири қабул қилаётган беморларимизнинг олтмиш фоизини қишлоқ ҳудудларидан келаётган аёллар ташкил қилади, деган фактни таъкидлаб ўтганди. Бу ҳам аёлларнинг сифатли тиббиётга интилиши тобора ортаётганидан далолат.

Аслида... Келинг, шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак. Ўтган йил ҳамда жорий йилнинг шу даврига қадар биргина Самарқанд вилоятида 17 та туғруқ мажмуалари қайта таъмирланиб, капитал реконструкция ишлари бажарилди. Шаҳардаги 2-сонли туғруқхона мажмуасида янги бўлим қурилишининг ўзига 749 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Ўтган йил давомида туман туғруқхонасида ўн бир миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди **Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари Шукрулло ХОЛИЁРОВ**. — «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида эса туғруқхона учун зарур бўлган турли асбоб-анжомлар ажратилмоқда. Замонавий технологияларнинг ишлатилиши бўйича мутахассисларимиз Тошкентда ўқув амалиёти ўтаб қайтишди. Умуман, бугун ҳар соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам ўзгаришлар кўп. Янгиликлардан хабардор бўлиб туриш, соҳадаги ўзгаришларни туманларда ҳам қўллаш учун ўтган йил давомида 19 нафар шифокор малакасини ошириб келишди.

Бу каби ишлар деярли барча туманларда бажарилмоқда. Умуман ушбу соҳага эътиборни ҳар бир туғруқхона, поликлиникага йўл олсангиз кузатишингиз мумкин. Қолаверса, жойларда саломатликка доир тарғибот ишлари ҳам кучайтирилган.

* * *

— Болам жуда нимжон туғилди, — дейди яқиндагина учинчи фарзандини дунёга келтирган аёл. — Тўғри, дўхтирлар ҳомиладорлигимдаёқ, аввал яхшилаб даволаниш керак дейишганди. Мен бу шифокорларнинг ҳар доимги ваҳимаси, деб ўйлабман-да. Ҳозир фарзандим ҳам, ўзим ҳам муолажалар оляпмиз. Дўхтирлар яхши бўлиб кетасиз, дейишяпти.

Мана шундай, шифокорларнинг «ваҳимаси»га эътибор бермаётган аёллар афсуски, бугун орамизда жуда кўп. Ва айнан шу ишончсизлик туфайли болаларнинг носоғлом туғилиши, ҳатто ўлими ҳолати ҳам учраяпти.



— Болалар ўлими кўпроқ 18 ёшгача ёки 35 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг фарзандлари ўртасида содир бўлмоқда, — дейди **Ургут туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси бўлими раҳбари Усмон ТЎРАЕВ**. — 35 ёшдан юқори бўлган аёлларда турли хасталиклар кўпроқ учраса, 18 ёшгача бўлган қизлар организми ҳали туғруқ учун унчалик тайёр эмаслар. Шунингдек, турли инфекциялар ҳам болаларнинг хаста туғилишига сабаб бўлади. Агар аёл туғруқ оралиқларига риоя қилса, ўз вақтида даволаниб, соғлигига эътиборлироқ бўлса, кўп хасталикларнинг олди олинган бўларди.

Дарвоқе, Ургут туман марказидаги туғруқхонада аёлларнинг фарзандини соғлом дунёга келтиришлари учун шароит етарли. 130 ўринга мўлжалланган туғруқхонада 30 нафар шифокор фаолият юритиб, уларнинг 11 нафари олий тоифалидир.

— Ўтган йил давомида туғруқлар сони 6900 тани ташкил этган бўлса, ҳозирга қадар туғруқлар сони 1060 тадан ошиб қолди. Шу ернинг ўзида оналарга шифокорларимиз томонидан зарур тавсиялар берилмоқда. Бундан ташқари, туғруқхона ходимлари жамоатчи ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда жойларда тушунтириш ишлари олиб боришяпти, маҳаллаларда учрашувлар ўтказилиб, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларида иштирок этишмоқда.

Фақат Ургут тумани эмас, балки айни шу кунларда ҳам бутун вилоятимиз миқёсида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда туғиш ёшидаги 824116 нафар аёллардан 820490 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. 2009 йил мобайнида 66402 нафар ҳисобга олинган ҳомиладор аёлларнинг 10798 нафари скрининг марказида текширишдан ўтказилган. Аммо... Оналар ўлими Пайариқ туманида икки нафарга, Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Нуробод туманларида бир нафарга кўпайган. Туғма нуқсонлар билан туғилган чақалоқлар сони Самарқанд шаҳрида 17 тага, Пастдарғом туманида 15, Қўшработ туманида 7, Ургут туманида 6 нафарга ошган.

Ушбу рақамларни келтиришдан мақсад аёлларнинг эътиборини бироз бўлса-да ўз соғликлари устида жиддийроқ ўйлашга қаратиш, десак, тўғрироқ бўлади. Юқорида ишонч ҳақида бежиз мисол келтирмадик. Сабаби, кимгадир ишонмасликдан аввал ўзингизга ишонинг, деган фикрни кўп таъкидлашади руҳшунослар. Инсоннинг ўзига бўлган ишончи эса ўз-ўзидан юзага келавермайди. Айниқса, соғлиги борасида. «Ҳаммаси яхши бўлади», деган умидда юрган яхши, албатта. Аммо ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб, айниқса, соғлом фарзанд туғилиши учун анча аввалроқ ҳаракатни бошлаганда сўнгги ўзингизга ишонсангиз нур устига аъло нур.

Ахир кўзи ёриш арафасида турган аёлни «икки дунё оралиғида, шу пайти осонидан берсин», деб бежиз айтишмайди-ку. Кўпинча турли турмуш икир-чикирлари, майда ташвишлар деб вақтимизни бир соатлик тиббий кўрикдан қизғанишимиз минг машаққат билан туғилган фарзанднинг носоғлом бўлишига олиб келишини баъзан кеч англаймиз. Ахир, оталик, оналик бахти қувонч олиб келиши кўпроқ ўзимизга боғлиқ-ку..

...Тумандаги туғруқхоналардан бирига қўлида бир даста гул кўтарган ота кириб келди. Кўпчилик гулларни унинг рафиқасига аталган бўлса керак, деган хаёлда кўзидан қувонч порлаб турган отага ҳавас билан қарашди. «Қандай эътиборли ота экан-а». Лекин ота бўлмиш тўғри шифокор-доянинг хонасига бориб, унга гулларни тақдим қилди. «Опажон, сиз оиламизнинг бутунлигини асраб қолдингиз, ҳаётимизга қувонч олиб келдингиз. Сизга мингдан-минг раҳмат. Шу гулларни олинг...» Дўхтир опа йигитнинг аҳволини тушунди: «Бу гулларни аёлингизга беринг, менга сизларнинг бахтли, гўдакнинг соғлом экани ҳам етарли».

Туғруқхонадаги суюнчи пуллари-ю, яна аллақандай «бер-бер»лар ҳақидаги турли гаплар туғруққа қадар анча қулоғига қуйиб келинган йигит бу гапларга парво қилмади. У Оталик бахтидан масрур эди...

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири**
**Самарқанд вилояти.**

ҲУҚУҚ

# МАХФИЙ ВАСИЯТ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Кейинги вақтларда қариндош-уруғлар орасида мерос талашиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Ака билан укани, опа билан сингилни юзкўрмас қилиб юбораётган бундай можаролар аччиқ ичакдек чўзилиб кетаверади. На бир томонга ҳал этилади, на ўзаро келишилади. Бош-адоғи йўқ жанжалларга биргина ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, бир парча қоғоз –"васиятнома қонуний барҳам бериши мумкин. Афсуски, халқимиз орасида васият кўпинча оғзаки равишда бўлади, уни нотариал тасдиқлаш тажрибаси кенг оммалашмаган. Бу эса ўз-ўзидан кунда-кунора гувоҳи бўлаётганимиз хунук манзараларни келтириб чиқармоқда.

Васиятнома — фуқароларнинг ўзига тегишли мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф қилиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир. Васиятнома шахсан тузилиши лозим, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини, меросхўрлар доирасига кириш-кирмаслигидан қатъи назар, бир ёки бир неча шахсга, юридик шахсларга, давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васиятнома матни васият қилувчи томонидан ёзилган бўлиши лозим. Унда ёзилган жойи ва вақти кўрсатилиб, фуқаронинг ўз қўли билан имзоланиши, фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ кўрсатилиши шарт. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли бу ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, нотариус иштирокида унинг илтимосига биноан бошқа шахс васиятномага имзо қўйиши мумкин. Бундай ҳолда нотариус имзо чеккан фуқарога мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслигини тушунтиради, бу ҳақда васиятнома матни ва уни тасдиқловчи ёзувда қайд этилади.

Нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс; васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга мажбурият юклатилган бўлса, ўша шахс ва унинг эр(хотин)и, болалари, ота-онаси, невара ва чеваралари, шунингдек, қонуний меросхўрлар; тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсиз ёки васиятномани ўқий олмайдиган олмайдиган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳлик бергани учун муқаддам судланган кишилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас.

Васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этса бўлади. Бундай ҳолда ҳар икки нусхага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Шунингдек, фуқаронинг хоҳишига кўра, нотариус мазмуни билан танишиб чиқмасдан ҳам васиятномани тасдиқлаши мумкин. Махфий васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, елимланади. Унга гувоҳлар ўз исм-фамилияси, отасининг исми ва доимий рўйхатга олинган манзилини кўрсатиб, имзо қўядилар. Кейин бу хатжилд бошқа хатжилдга солиниб, елимланади. Унга эса нотариус тасдиқловчи ёзувни босиб қўяди. Шундан сўнг махфий васиятнома реестрда қайд этилиб, алифбо китобига киритилади ва йиғмажилдда сақланади.

Васиятнома очилгунга қадар меросхўрнинг вафот этиши ёки қонуний шартларни бажармаслиги, меросни қабул қилмаслиги, ундан воз кечиши ёхуд нолойиқлиги сабабли мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимоли назарда тутилиб, ворисдан кейинги ворис тайинланиши мумкин.

Мерос қолдирувчи васиятномасини истаган вақтда бекор қилиши ва ўзгартириши мумкин ва бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Унинг бу ҳақдаги аризаси нотариал шаҳодатлантирилиши керак. Бундай пайтда нотариус ўзида сақланаётган нусхасига, реестр ва алифбо китобига шу ҳақда ёзув киритади. Васият қилувчи ўзидаги нусхасини тақдим этса, васиятноманинг ўзгартирилгани ёки бекор қилингани тўғрисида унга ҳам ёзиб қўйилади. Ариза эса нотариал идорада юритиладиган битимларни бекор қилиш тўғрисидаги алоҳида йиғмажилдда сақланади.

Васиятнома тасдиқлангандан кейин васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, тасдиқланган санаси ва реестр рақами ҳамда унга ўзгартириш киритилган ёки бекор қилингани ҳақидаги маълумотлар васият қилувчининг доимий рўйхатга олинган жойдаги мерос расмийлаштириладиган давлат нотариал идорасига ўн кун муддатда юборилиши лозим. Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини аниқлаган тақдирда, бу хусусда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида васиятномалар юзасидан бошқа бир қатор ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган. Уларни мукаммал билишимиз ҳаётий зарурат бўлиб, ўз ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишимизда жуда асқотади. Зеро, қадимги юнон донишмандлари айтганидек, қонунлар доирасида яшаш энг яхши, энг бахтли яшашдир.

**Н. МАҲМУДОВ,**
**Жиззах шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси.**

**РАЪНО ЯРАШЕВА:**

# ТЕАТР — ҲАЁТИМ МЕНИНГ, ТАҚДИРИМ МЕНИНГ

**Бугунги суҳбатдошимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева турли қарама-қаршиликларни енгиб, қўлида ёш боласи билан 27-28 ёшида ўқишни аъло баҳоларга туғаллайди. Саҳнадаги биринчи роли Чўлпоннинг "Ёрқиной" драмасидаги Ёрқиной образидир. 35 ёшида эса илк марта кинода суратга тушди.**

**Тасодиф ва омадга, мўъжизаларга ишонувчи бу аёлнинг ҳайратлари чексиз. Ҳаётдан завқланиб яшашни истайди. Аниқ ва тўғри хулосалар чиқаришга одатланган. Хотирасига ва энг муҳими, ўзига қаттиқ ишонади. Яхшиликни ҳеч қачон унутмайди, ёмонликни эса шу заҳотиёқ эсдан чиқаришга ҳаракат қилади. Ишончини суиистеъмол қилганларни ва ёлғончиларни ҳурмат қилмайди. Тўғри, унинг ҳам ҳаётда йўл қўйиган хатолари бор, бироқ у буларни надомат ва афсусларга арзирли эмас, деб ҳисоблайди. Энг катта бойлиги — ота-онаси, фарзандлари, яқин жигаргўшалари, ҳар қандай кунда ёнида турадиган ёру дўстлари.**

РАДИОДАН ЎҚИЙМИЗ!

**— Раъно опа, 13-студиямизга хуш келибсиз!**

— Хушвақт бўлинглар.

**— Сиз ҳам бир пайтлар оддийгина томошабин эдингиз. Ўшанда мухлис сифатида қайси актёрлар ижросига тан бергансиз?**

— Ҳали-ҳали хўрсиниб эслайман, деярли ҳамма яхши актёрларнинг театр ва кинолардаги ажойиб чиқишларини қаттиқ ҳаяжон билан кузатар эдим. Улар орасида Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Дилбар Икромова, Гулчеҳра опалар **(Г. Саъдуллаева ва Г. Жамиловаларни назарда тутяпти — таҳр.)** ва бошқа яна ўнлаб элимизнинг суюкли санъаткорларига жуда ҳавас қилардим. Айниқса, Сайёра Юнусова ижро этган Зебунисо, Зуҳра Ашурова талқинидаги Унсин роллари юрагимга ниҳоятда яқин эди. Уларни ўзгача бир меҳр-муҳаббат ва ҳайрат билан томоша қилганман.

**— Қандай оилада вояга етгансиз, ота-онангизнинг санъатга, адабиётга дахлдорлик жиҳатлари борми?**

— Ҳар қандай шароитда ҳам ўзимиз яшаётган муҳит, энг аввало, оилавий шарт-шароит албатта бизнинг келажагимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. У ҳар томонлама, шахсий ҳаётда бўладими, касб ёки ҳунар танлашдами, барибир бизга катта ёрдам беради. Ёки аксинча, муҳит носоғлом бўлса, тўсқинлик қилади. Менинг ўзимга келсак, зиёли-педагоглар оиласида вояга етганман. Биз кўпроқ китоб ўқиш билан машғул бўлганмиз. Ўша пайтларда телеэкран орқали намойиш этилган "Қисмат" видеофильмини кўрганимдан сўнг актриса бўламан, деб қатъий қарорга келганман.

Тақдир экан, 23 ёшимда талабаликка қабул қилинганман. Бу пайтда менинг тенгдошларим институтларни битириб, анча-мунча танилиб, ўз ижодий фаолиятларини бошлаб юборишган эди. Уларга чин маънода ҳавасим келарди. Ва албатта бирортасидан ортда қолиб кетмаслик учун тинимсиз ҳаракат қилганман, изланганман. Кўпчилик менинг ҳаётим, ижодим ҳақида эшитган, ўқиган. Такрорлаб ўтиришим шарт эмас. Шунинг учун очиғини айтишим керак, Каттақўрғондай жойдан пойтахтдаги катта саҳналарга етиб келишим осон бўлмаган. Санъат йўлига тушиб олиш учун ҳам жуда катта заҳмат, меҳнат, машаққатларни бошдан кечирдим. Устозимнинг айтган бир гапи кечагидек эсимда:"Сен тенгдошларингдан бироз кеч келдинг, агар улар бир карра меҳнат қилсалар, сен икки карра меҳнат қилишинг керак". Тинимсиз меҳнат, ҳаракат ва ўз навбатида катта заҳматлар туфайли йиғлаб-кулиб, йиқилиб-туриб шу кунларга етиб келдим.

**— Инсоннинг ташқи кўриниши ҳам у ҳақда маълум маънода турли хулосалар чиқаришга асос бўлади. Сизни бир кўрган инсон юмшоқ феълли деб ўйлаши мумкин. Аслида-чи? Ана шу биз айтаётган таъриф сизга мос келадими?**

— Ўзим ҳақимда гапиришим бироз ноқулай. Аммо... жуда мулойим, вазминдай кўринсамда, ўзимга яраша қаттиққўлман, баъзан инжиқлигим ҳам йўқ эмас.

**— Аёл киши, хусусан актриса учун ташқи кўриниш, гўзалликнинг нечоғли аҳамияти бор деб ўйлайсиз?**

— Оллоҳга минг бора шукр қилайлик, бизларни ҳусну латофатда сийлаган. Демоқчиманки, бу дунёда хунук аёлнинг ўзи йўқ. Фақат ёмон феъл-атворни ҳисобга олмаганда, албатта. Момомнинг бир гаплари ҳалигача эсимда: "Эрталаб турдингми, қошингга ўсма, кўзингга сурма суриб ол", деб кўп такрорлар эдилар. Мен уйда бўлсам, ўсманинг нима кераги бор, деб ҳайрон қолардим. Энди-энди ўша ажойиб ҳикматнинг мағзини чақаяпман. Ўйлаб кўрсам, аёл зоти энг аввало ўзини ҳурмат қилмоғи, ўзини яхши кўра билиши лозим экан.

Актриса ва ташқи кўриниш масаласига келадиган бўлсак, бу табиийки, зарурий шарт. Чунки томошабин ҳам ички, ҳам ташқи олами, шу билан бирга кўриниши ҳам гўзал ва чиройли бўлган образларни ёқтириб қолади. Бу борада барибир истайсизми, йўқми, ижро маҳорати, истеъдод, санъаткорлик даражаси тарозининг асосий палласини босиб туриши керак. Афсуски, баъзи фильмларимизни кузатадиган бўлсак, ана шу талаб-мезонлар эътибордан четда қолаётганга ўхшайди. Чунки оддий бир ҳақиқатни унутмайлик, ташқи кўриниш ҳеч қачон иқтидорни белгиламайди.

**— Раъно опа, сиз давлат буюртмаси, шу жумладан, тижорат йўли билан суратга олинган фильмларда ҳам суратга тушгансиз? Улар ўртасидаги фарқ деймизми ёки рақобатними, қандай баҳолаш мумкин? Уларнинг қай бирида иштирок этиш сиз учун қизиқарлироқ?**

— Менинг назаримда кинога муносабат билдирилганда давлатники ёки хусусий, деб қараш нотўғри. У қандай йўналишда бўлишидан қатъи назар, санъат асари бўлмоғи керак. Ана шундагина томошабин юрагини титратадиган, кўнглига завқ-шавқ бағишлайдиган, ўйлашга мажбур қилиб, фикрлашга чорлайдиган асарлар дунёга келади, деб ўйлайман.

**— Кўп марта гувоҳи бўляпмизки, номдор ва маҳоратли санъаткорлар киноларда бирорта роль ижро этади-ю, лекин шу образга бошқа бир актёр овоз беради. Бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?**

— Биласизми, овоз бериш бу асарнинг тўлмаган жойини тўлдириш билан баробар. Роль ижроси билан овоз бериш ўртасида каттагина фарқ бор. Масалан, ўзим иштирок этган айрим фильмларга ҳам бошқа актрисалар овоз берган. Бу табиий жараён, ҳеч ажабланадиган ва нолийдиган жиҳати йўқ.



**— "Театр мен учун энг муқаддас гўша. Шу даргоҳ мени эл-улус орасида Раъно Ярашева сифатида баҳоли қудрат танилишимга катта ҳисса қўшди. Усиз бирор кунимни ҳам тасаввур қилолмайман" деган сўзларни кўп такрорлайсиз. Энди очиғини айтинг-чи, саҳнадан зериккан, чарчаган вақтларингиз ҳам бўлганми?**

— Яна таъкидлайман, бу муборак ва табаррук остонага етиб келгунимча бошимдан кечган қийинчиликлар, синовлар катта бир китобга сиғмайди. Театр — менинг ҳаётим, тақдирим. Дарҳақиқат, театрда ишлаш осонмас, бунинг учун нафақат иқтидор ёки қизиқиш, балки катта фидойилик керак. Албатта кинонинг йўриғи бошқа. Олайлик, бирор кўнгилсизлик бўладими, тўй-ҳашамингиз борми, уйингизга меҳмон келдими, буларнинг бари театр ҳаётида иккинчи даражали масалалар саналади. Битта оддий мисол келтираман. Ҳамкасбимиз Муқаддас Ҳолиқованинг қайнонаси қазо қилиб қолди. Ўша кунлари бизда "Чимилдиқ" спектакли номойиш этилаётган эди. Муқаддаснинг дублёри йўқ. Қайнонасининг таъзиясидан чиқиб келиб, кечқурун ўзининг комик ролини ижро этди. Биламан, бу билан у қаҳрамонлик кўрсатди демоқчи эмасман, лекин юракни иккига бўлиб, ўз вазифасини бажариш осон дейсизми? Бунинг учун мустаҳкам ирода бўлиши керак.



**— Сиз яна бир ижодий қиррангиз билан ҳам мухлислар кўнглига йўл топгансиз. Яъни шеърлар ҳам машқ қиласиз, китобларингиз чоп этилган. Санъат соҳаси, театрдаги ташвишлардан ортиб, шеъриятга ошно бўлиш осон кечяптими?**

— Пиёлага меъёридан ортиқроқ чой қуйсангиз у тўкилади. Юрак ҳам гўёки пиёлага ўхшайди. У тўлиб кетса, шеър тўкилади, дардлар чекинади. Тўғри, мен ҳеч қачон профессионал шоираликка даъво қилмаганман. Энди... нима десам экан, дарду дунём тўлиб кетганида ҳеч кимга айтолмаган сирларимни оппоқ қоғозга тўкаман.

**— Раъно опа, энди бевосита оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ўғлим Комилжон отаси раҳматлининг касбини танлади — ички ишлар соҳасида хизмат қилаяпти. Келиним Наргизахон жажжи набирамиз Ғофиржонни тарбиялаш билан банд. Қизим Мадинахон Тошкент Давлат консерваториясининг 2-босқичида таҳсил кўраяпти.

**— Қизингиз ҳам мана, санъат соҳасини танлабди. Ўзингиз шу соҳанинг аччиқ-чучугини тотган инсон сифатида фарзандингизга қаршилик билдиргандирсиз?**

— Баъзан айрим ҳамкасбларимнинг "Ҳеч қачон ўғлим ёки қизимни менинг изимдан кетишини истамайман. Мен кўрган қийинчиликларни улар кўрмасин" деган гапларини эшитиб, ўқиб қоламан. Назаримда бундай қараш нотўғри. Нега десангиз, ҳали бирор тайинли касб ё ҳунарни оппа-осон эгалладим, маза қилиб яшаб, ишлаяпман, деган одамни кўрганим йўқ. Ё нотўғрими? Ҳаммасига қийинчилик, заҳмат билан эришилади. Мадина қизимга келсак, у санъат соҳаси, аниқроғи, театрдаги ҳаёт ичида ўсиб, улғайди. Демоқчиманки, тасодифан ёки ҳавасмандлик туфайли шу йўлни танлагани йўқ. Астойдил қизиққани учун рози бўлдим. Қолгани энди ўзига боғлиқ, изласин, интилсин.

**— Оилангизда ўзингизни қандай она, қайнона деб ҳисоблайсиз? Қаттиққўлмисиз ёки меҳрибон?**

— Бир она сифатида айтадиган бўлсам, қаттиққўлман. Болаларимни ҳаддан ташқари эркатой қилиб ўстирганим йўқ. Масалан, кичкиналигида, қўлидан иш келадиган вақтида бирор ишни тайинлаб кетган бўлсаму, лекин улар шуни бажармаган бўлса, уйқусидан уйғотиб қилдирганман. Менимча, бундай йўл тутиш масъулиятни ошириш билан бирга, рўзғор ишлари фақат бир кишининг зиммасидаги юмуш эмаслигини ҳам кўрсатади.

**— Ҳозирги ёш актрисалардан қайсиларининг ижодини кўпроқ кузатасиз ва қадрлайсиз?**

— Қадрдон театримиздаги ёшларнинг аксарияти истеъдодли ва энг муҳими, ўз йўлини топишга интилишмоқда. Менда иқтидорли актрисалардан Дилноза Кубаеванинг ўйнаётган роллари яхши таассурот қолдиряпти. Уни яқин шогирдим сифатида керак пайтда мақтайман ва ўз навбатида танқид ҳам қиламан. Менинг самимий маслаҳат ва йўл-йўриқларимни тўғри қабул қилади. Шунингдек, Шодия Тўхтаева, Гулчеҳра Эшонқулова сингари иқтидорли қизларимизнинг изланишлари ҳам мени қувонтиряпти.

**— Сир эмаски, ҳар бир актрисанинг ушалмаган орзуси яъни унга насиб этмаган ва эришолмаган роли бўлади?**

— Менинг бирдан бир орзуим "Меҳробдан чаён"даги Раъно образини яратиш эди. Афсус, у бир умрлик армоним бўлиб қолди. Лекин шукур қиламан, видеофильмда Раънонинг онаси Нигоройим ролини ўйнаш бахтига муяссар бўлдим.

**"13-СТУДИЯ" ИЖОДИЙ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ:**

**Қаҳрамон АШУРОВ,**
**Дилдора МАРДИЕВА,**
**Мавлуда ТОШПЎЛАТОВА,**
**Насриддин АСРИДДИНОВ,**
**Шаҳноза РОФИЕВА**
**(таҳририят).**

# ҚИРҚ ЙИЛЛИК ЮК

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

Ёши саксонни қоралаган Асрор бобо ҳовлидаги чорпояда ёстиққа суянган кўйи ғамгин ўтирарди. Касалчилик ва қаричилик чолни анчагина ҳолдан тойдириб қўйган. Отасининг раъйига қараб, муте турган қирқ ёшлар чамасидаги ўғли Собир нимадандир хижолатда. У безовталигини сездирмаслик учун истамаса-да, ҳадеб чойдан ҳўплаб, отасига минғирларди:

— Мунча эзилманг, ота. Бир гап бўлар.

Ўғлининг бу гапидан ранжиган чол таъна қилди:

— Бир гап бўлар эмиш... Мен на у ёқлик, на бу ёқлик бўлолмай ётибман-у, бунинг гапини қаранг. Мен шу аҳволда ўлиб ўлолмайман, қолиб қололмайман.

— Бироз вақтим бўлиши билан шу ишга киришаман, — деди Собир.

Ота эса ҳорғин кўзларини ўғлининг кўзларига қадаб:

— Сенинг вақтинг бўлишига менинг вақтим қараб турмайди, ўғлим. Ёшнинг вақти бошқа, қарининг вақти бошқа бўлади. Изла! Қаердан бўлса ҳам топ! Тополмасанг, ана "Мехр кўзда"га бер. Ёрдам қилишади, — деди.

— Топаман. Хафа бўлманг, ота. Майли, эртагаёқ йўлга тушаман. Сиз ҳеч безовта бўлманг. Ҳаммаси сиз айтганингиздай бўлади.

Асрор бобонинг юзига нур югурди. Салқи ажинлари бироз ёйилгандай бўлди.

— Қашқадарёга бориб, мен айтган жойларга кириб суриштир. У одамнинг исми шарифи — Муҳиддин Ярашев. Илгари вилоят сув хўжалигида ишлаган. Чин кўнгилдан изласанг, у одамни топиш қийин эмас, ўғлим. Одам бир буюм эмаски, йўқолиб қолаверса.

— Хўп, ота... Эртагаёқ йўлга тушаман, — деб Собир ўрнидан қўзғалди.

* * *

Собир йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Ахийри, отаси айтган манзилга етиб борди. У Қаршига бориб идорама-идора юриб, маҳаллама-маҳалла кириб, бир одамни излади. Кўчалардаги ва ишхоналардаги кишилардан сўраб-суриштирди: "Муҳиддин ака Ярашев, илгари сув хўжалиги соҳасида ишлаган. Асли ғаллаороллик". Билганлар нимадир айтди. Охири у бир уйнинг қошида тўхтади ва уй қўнғироғини босди. Уйдан ўрта ёшлардаги бир киши чиқди. Собир умидвор оҳангда сўради:

— Муҳиддин амакининг уйлари шуми?

— Келинг...Марҳамат киринг... −деб эшикни катта очди мезбон.

Собир эшикдан кираётиб:

— Муҳиддин аканинг ўзлари уйдамилар? — деб сўради.

Мезбон унга ҳайрон қараб қўйди-да: "Кираверинг-чи", деб қўйди.

Улар шинамгина ҳовлига киришиб, ўрик тагидаги супага ўтиришди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Уларнинг қошига келган уй бекаси ҳам сўрашиб, бир зумда дастурхон тузаб, чой олиб келди. Йўл юриб ҳориган Собир тезроқ муддаони айтиш мақсадида ўзини таништирди:

— Менинг исмим — Собир.

Мезбон ҳам унинг гапига эргашди:

— Меники эса Нажмиддин.

— Муҳиддин акани излаб, Андижондан келдим.

Нажмиддин бироз ўнғайсизланиб турди-да, тезда ўзини қўлга олди:

— Хабарингиз йўқмиди? Отамизни ўтган йили кўпга қўшганмиз...

Собир хижолат тортди. Шошилганига ичида ўзини койиди.

— Ие... Узр... Худо раҳматига олган бўлсин!

Нажмиддин меҳмонни хижолатпазликдан қутқазиш учун гапга гап қўшди:

— Дадамиз билан таниш бўлганмидингиз?

— Йў-йўқ, — деди Собир зўрға тортиниброқ, — мени бу ерга дадам юборувди. У кишининг ёшлари етмиш тўққизда. Дадам дадангизнинг яқин оғайнилари экан. Шунга...

— Ҳа-а, у кишининг қадрдон дўстлари кўп эди.

— Мен муҳим бир юмуш билан келганман, — деди Собир тараддудланиб.

— Шунча жойдан бизни йўқлаб келибсиз, қандай кўмак бўлса, бош устига. Сираям тортинмай айтаверинг.

— Нима десам экан?.. Дадамиз бир нарсадан кўп безовталар...



— Айтаверинг.

— Бир пайтлар... Бундан қирқ йил олдин... Дадамнинг бошига бир иш тушиб бу ёқларга келиб қолганда, дадангиз катта ёрдам берган экан.

Нажмиддиннинг кўнглида балққан фахр юзига нур сочиб ўтди.

— Ҳа-а, раҳматли дадамнинг бир оти яхшилик эди, — деди у мамнун.

— Ўшанда дадамнинг бўйнида дадангиздан омонат қарз қолган экан... Пул қарз эканлар...

— Э-э, нималар деяпсиз, меҳмон. Бир пирдан бир муриддан деганларидай, кимнинг кимга ҳаққи ўтмаган дейсиз. Лекин қирқ йилда қарз қоладими? Бўлса бўлгандир. Отам раҳматли бундай нарсаларга эътибор бериб ўтирмасдилар. Қўйинг бу гапларни. Шунча йўл босиб келибсиз. Энди биз сиздан қарздормиз.

Собир қатъият ила сўзида давом этди:

— Дадамнинг илтимоси шуки, ўша қарзни қайтаришим керак. Ўша пайтдаги пулни бугунги қийматда ҳисоблашиб, сизга қайтарсам, Нажмиддин ака.

— Асло ундай деманг, Собиржон! Биз минг қатла розимиз. Биламан отам ҳам розилар. Қирқ йил ўтиб бизни излаб келибсиз, шунгаям қойилман. Баракалла! Лекин пулингизни олмайман. Келинг, шу баҳонада ака-ука бўлиб қолайлик. Акаукалик сиз берадиган пулдан кўра қимммат-ку. Қўйинг энди шу гапларни.

— Нажмиддин ака, бизнинг ака-укачилигимиз ўз йўлига. Лекин дадам жуда кексайиб, ҳориб қолганлар. У кишини ноумид қилманг. Агар қарзни олмасангиз, қаттиқ хафа бўлади. Бизни тушунинг...

— Мен сизни тушундим, Собиржон. Дадангизни ҳам тушундим. Барака топинглар! Кўп яхши одам экансизлар. Майли! Лекин, битта шарт билан, камида икки кун менинг меҳмоним бўласиз. Сизни далаларга олиб чиқай, тоғларимизни, адирларимизни кўрсатай. Қариндош-уруғларимга, биродарларимга таништирай...

— Майли, Нажмиддин ака.

Собир икки кун Қашқадарёда меҳмон бўлди. Нажмиддиннинг қариндошлари, биродарлари меҳмоннинг иззатига етиб, навбат билан уйларига чақиришди. У учинчи кун ўз ишидан мамнун бўлиб отасининг ёнига қайтди. Бошқа бир оламни кўриб келгандай отасига кўп гурунглар берди.

— Жуда ажойиб одамлар экан. Кўп дўст-ёрлар топиб келдим, дада. Ҳаммаси сиз айтгандай бўлди. Энди улар бизникига келишади. Чақириб келдим...

Асрор бобонинг кўнглидаги нур юзига табассум бўлиб ёйилди:

— Раҳмат, болам, барака топ. Менинг қирқ йиллик қарзимни тўлаб, елкамдаги қирқта тоғни ағдардинг. Энди ҳаммасидан кўнглим тинч. Раҳмат, болам...

**Эшқобил ШУКУР**

ХОТИРА ЁҒДУСИ

# НОНИ ВА НОМИ БУТУН ОДАМ



**Бундай тақдир ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. "Пойдевор", "Нотаниш полвон", "Ургутлик афандилар", "Учинчи тилак" бадиий фильмлари, "Бурч", "Севги фариштаси" кўп қисмли видеофильмлари, "Жаҳолат", "Азизим","Аср вабоси", "Буюк аждодларимиз" сингари ўнлаб ҳужжатли ва тарихий асарлар муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли режиссёр Нуриддин Қосимов ана шундай инсонлардан бири эди...**

Нуриддин ака билан телевидениеда беш-олти йил бирга ишлаш насиб этди. Унинг бошқалардан фарқланадиган ўзига хос жиҳатлари жуда кўп эди. Айниқса, феъл-атвори, диди, савияси, шу билан бирга, ниҳоятда соддалиги билан алоҳида ажралиб турарди. Яхшиси, у ҳақда ўзим гувоҳ бўлган иккиучта ҳаётий воқеаларни келтирай.

Бир гал Сурхондарёга Наврўз байрами арафасида сафарга бордик. Деновда бир кун ҳам турolмадик, устига устак, умрида бирор марта бировнинг уйида ётиб ўрганмаган машҳур тасвирчи Шариф Қодировни ҳам тоғли Сангардакда ётиб қолишга кўндирди. У тарафларни март ойида ҳам қор босиб ётади. Кун совуқ. Бир пайт саҳармардондаёқ уйғонган Нуриддин ака қайсар тасвирчини аврарди: «Ака Шариф, бир пачка сигарет мендан, илтимос, Сангардакда қуёшнинг чиқишини олайлик. Оригинал кадр бўлади, ҳеч ким ололмаган бу ерда, жон ака, тура қолинг». Мен ҳам уларнинг ортидан эргашдим. Мезбонлар эса қўлларида чопон кўтариб, бу икки сипойи «дарвишлар»нинг (кўплар яхши билади, иккаласиям ҳам доим энг сўнгги русумда кийинишарди) совқотишидан кўра шамоллаб қолишидан хавотирланишарди. Хуллас, улар қалин қорларни оралаб, тоғлар бағрига чиқиб кетишди. Ярим соатлардан сўнг қайтиб келишгач, камерани ёқиб, шунақа қувонишдики...

Бу ҳам майли, кейин пастга — Сангардак шаршараси ёнига бордик. Яна Нуриддин ака "йўқолиб" қолди. Бир маҳал қўв тепаликдаги булоқ ёнига тасвирчини чорлади. Борсак, тошлар бағрини ёриб, қорлар қўйнидан барг ёзаётган бир донагина бойчечакни кўрсатиб жилмаярди. Ана шу бетакрор тасвир неча ўн йиллардан бери "Ассалом, Ўзбекистон!" кўрсатувида намойиш этилади.

* * *

...2002 йилнинг авжи саратони эди. Ҳаммаёқда арпа-буғдойлар етилиб пишган, ўримйиғим қизиган маҳал. Қашқадарёга ижодий сафарга кетаётганимни кимдандир эшитган экан-да, Нуриддин Қосимов ёнимга келиб, "Жўра, сиздан бир илтимосим бор, агар малол келмаса, Шайхлитардагиз бир донагина буғдой нон олиб келинг. Кейин Қаршида энг яқин оғайним бор. Мана шу омонатни у кишига бериб қўясиз", деб қўлимга кассета тутқазган эди. Орадан бир ҳафта ўтиб, сафардан қайтиб келдим ва Нуриддин акани излаб топиб, ўзимизнинг жануб офтобида пишган буғдой нонларини бердим. У киши болалардай суюниб кетди...

Очиғини айтиш керак, телевидениеда ўзига хос режиссёрлик мактаби яратилган. Мақсуд Юнусов, Ҳайбат Алиев, Маҳкам Муҳамедов, Мирсидиқ Устабобоев, Ҳамид Қаҳрамонов, Ғайрат Убайдуллаев ва бошқа яна ўнлаб номдор ижодкорлар томонидан яратилган асарлар бугунги кунда ҳам мухлислар эътиборини қозонмоқда. Табиийки, ана шу ўзига хос ижод дорилфунунида Нуриддин Қосимов ҳам қайнаган, пишган. Дастлаб театр санъатида ўн йилча вақт ўз иқтидорини синовдан ўтказган режиссёр кейинчалик телевидение, сўнг эса кинода ҳам мувафақиятли фаолият кўрсата олди. У кейинги йилларда "O'zbektelefilm"да ишлаб, қатор янги лойиҳаларни амалга оширишга улгурди. Ҳамкасбларининг айтишларича, яқиндагина ҳарбийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Сержантлар» деб номланган кўп қисмли ҳужжатли фильмни ҳам суратга олиб бўлган экан.

Давраларда Нуриддин ака ҳақда гап очилса, "Бағрикенг, меҳр-мурувватли ота", "Қаттиққўл, талабчан режиссёр", "Садоқатли ва вафодор дўст" деган иборалар албатта айтиларди. Бу ҳам бежиз эмас эди. У ана шундай — ўз касбини жону дили билан яхши кўрар, бошлаган ишини охирига етказмагунча ҳеч қачон тиним билмасди.

Яна бир қизиқ жиҳати, раҳматли Нуриддин аканинг кўҳна Хоразм заминига меҳри, муҳаббати негадир бўлакча эди. Деярли ҳар йили бир, бўлмаса икки марта воҳага бориб келар, қайтганидан кейин кўрган-кечирганларини ҳайрату ҳаяжон билан ҳикоя қилиб юрарди. Бир гал кўришганимизда у шоир Сирожиддин Саййиднинг "Хоразмга бораман" деб номланган шеъридаги ушбу сатрларни ўқиб берганди:

***Паҳлавон Маҳмудни***
***энди танидим!***
***Сенга етганим йўқ.***
***Тарих билади.***
***Хоразм, мен сенга***
***етмоғим учун***
***Бутун абадият***
***камлик қилади!***

Қисматни қаранги, ўтган ҳафтада эндигина 53 ёшни қаршилаган, айни ижоди гуллабяшнаётган режиссёрнинг юраги навбатдаги ижодий режаларини амалга ошираётганида... қадим Хоразм тупроғида уришдан тўхтади!

Лекин кўнгилга таскин берадиган жиҳати, Нуриддин Қосимов ўзининг қисқагина яшаб ўтган умри давомида асрларга етгулик бой ижодий мерос қолдиришга улгурди, десак муболаға бўлмас. Унинг чин маънода нони ҳам, номи ҳам бутун эди...

**Норқобил ЖАЛИЛ**




# ФАРИШТАНИНГ НОЛАСИ

1.

Севги!
Нима у?
Ким айта олади унинг аслини?
Моҳиятини тушунтира олар ким?
Афсус...

У — баҳайбат, улкан сир. Эшик-туйнуги йўқ қалъа. Ҳар гал уни забт этдим деб ўйларлар. Билмасларки, ўзлари — асир, банди...

Севги — кўҳна зиндон.

Маҳкумлар бесаноқ: Мажнун, Фарҳод, Ромео, князь Мишкин, Анна Каренина...

Улар гир айлана бўлиб давра қуриб ўтиришаркан, ўртадаги ёлғиз атиргулга киприк қоқмай термилишади. Гоҳ-гоҳ кимдир оҳ тортаркан, атиргул ғунчаси енгил елпинади. Гулбаргларидаги шабнам — ошиқлар кўзёши. Шайдолар дунёсига нур сочади бу Гул. Бироқ у қаердан келган, бу чиройни унга ким бахш этган, сири нимада — ҳеч ким билмайди...

Ишқ аҳлининг кўксида уриб турган ҳам аслида юрак эмас, қирмизи атиргул...

Ким билади, балки Арш ҳам атиргул шаклидадир...

2.

— Севги йўқ нарса, — дейди дунёнинг қирқига чидаб, эллиги сари эна бошлаган акамиз.

— Бор! — дейди ўжарлик билан ёш йигитча. — Фақат, уни ҳис қилиш учун юрак керак...

— Ҳали ёшсан-да, — унга ачингандай қарайди суҳбатдоши. — Уйлан, оила қур — кейин биласан севги борми-йўқми...

Йигитча индамайди.

Хаёлида чиройли қизнинг фариштамонанд чеҳраси жонланади. Ўзи билиб-билмай жилмая бошлайди. Унинг сирли табассумини кўрган суҳбатдоши бу ҳолни ўзича талқин қилади: демак, охир-оқибат, менинг фикримга қўшилди...

Ҳолбуки... бунгача ҳали кўп бор.

Ҳали чиройли қизни бошқа бировга узатиб юборишади.

Ҳали йигит "Менга усиз ҳаёт йўқ" дейди.

Ҳали у тақдирга тан бериб, бир аёлнинг тан маҳрамига айланади.

Ҳали бирин-кетин унинг жужуқлари туғилади.

Ҳали у рўзғор ташвишлари остида қолиб майишади ва қотади...

...Ва бир куни ёшгина ўсмирга қарата фалсафа сўқа бошлайди:

— Севги йўқ нарса, иним. Ҳали ёшсан-да...

Шу гапни айтгач, кечаси у туш кўради: ёшлигида уйқусини ўғирлаган соҳибжамол қиз "Ҳали шунақами?" дегандай унга қараб қовоқ уяди. Аразлайди. У ҳаяжондан терлаб, уйғониб кетади. Узоқ вақт ухлай олмайди. Эски альбомни қўлига олиб, ёшлик хотираларига берилади. Бехосдан чап кўксига қўлини қўяди. Юраги борлиги эсига тушади.

Бироқ... ҳали бунгача кўп вақт бор...

3.

У ўз севган қизига уйланди. Гарчи ота-онаси, қариндош-уруғлари қарши бўлса-да, аҳдида қаттиқ турди — ниятига етди. Гўё дунёда ундан бахтли одам йўқ эди. Худди қанот ёзиб, еттинчи осмонда учарди. Бироқ бу парвоз вақт ўтган сари пасая бошлади. Ва бир куни оёғи ерга тегиб бошқалар қатори заминда пилдираб юра бошлади. Ҳар қанча қўлини силкимасин — учолмади. Унга қанот бағишлаган пари эса оддий, бошқалар қатори аёлга айланиб қолди. Сеҳрини йўқотди. Бир пайтлар уни энтиктирган қош-кўзига қараркан, елка қисиб, ҳайрон бўлади: бугун унинг ҳамма нарсаси бор, бироқ... шу... севги деганлари қаёққадир ғойиб бўлди-да. Ҳолбуки бир замонлар ҳеч нарсаси йўқ эди, севгидан бошқа... Тавба...



Энди тунлари хотинига терс ўгирилиб ётаркан, ўзича ўйлайди: севги ҳам бир матоҳга ўхшайди, шекилли — вақт ўтган сари эскираркан...

Кимдир айтган эди: севги ҳам дарахтдай гап, уни парвариш қилиб турмасанг, қурийди.

4.

Севги ҳақида ёзмаган шоир, ёзувчи, донишманд, файласуф йўқ бўлса керак. Ҳамма ўз билганини, ҳис қилганини илгари сурган. Бироқ ҳалигача ягона таъриф-тавсиф йўқ. Айтилган фикр-мулоҳазалар бир-бирига зид, қарама-қарши... Севгининг сири ҳам шунда, асли.

**Севги — икки жинснинг бир-бирига табиий талпиниши ҳосиласи, у висол билан якунланади, дейди ғарблик мутафаккир.**

**Ишқ — бу маъшуқа чеҳрасида Ҳақнинг тажалли этишидир,** дейди шарқлик донишманд.

Ҳарҳолда, ишқ деганлари севгидан кўра кенгроқ тушунча, шекилли. Навоий ҳазратларига кўра, **ишқ — пок нигоҳ билан пок юзга пок ҳолатда назар солмоқдир.**

Севги бу — кўзгу. Севгилимиз юзига назар ташларканмиз, Ҳаётбахш Кучнинг биргина зарраси инъикосидан беҳуд бўламиз. Аслини, бор бўйича кўрсак, не ҳолга тушарканмиз?! Худди томчида Қуёш акс этганидек, севги орқали бутун оламнинг, тирикликнинг моҳиятини ҳис қила бошлаймиз.

**Севаётган одам бу — ўзини таниётган, англаётган одамдир.**

**Бир умр севмасдан ўтаётган одам — ўз моҳиятидан бехабар кимса эмасми?**

Улуғ ҳакимлар севгини касалликлар сирасига қўшган эди. Майли, шундай бўла қолсин. Биз бу касаллик билан оғришга розимиз. Токи кўз олдимиздан дағал, қуруқ дунё манзаралари чекиниб, гулистон эшиклари очилсин. Булбул нағмалари, атиргул бўйлари маст қилсин бизни...

Кимки севгига чалинишдан қўрқиб ўзини эҳтиёт қиларкан, демак, у яшашдан ҳам қўрқади. Чинакамига яшашдан, демоқчиман...

Ньютон кашф қилган бутун олам тортишиш қонуни илм-фанда қандай изоҳланади — ҳозир эсимда йўқ, бироқ унинг моҳияти муҳаббатдан иборат. Негаки, бутун оламни тортиб, ўзаро бирлаштириб, мувозанатни ушлаб турган куч — Муҳаббатдир.

У йўқолган куни қиёмат қойим бўлади...

## СЕВГИ

1.

*Ўз вақтида келмайди*
*Асл севги ҳеч.*
*Эрта келар ва ёки*
*Келар пича кеч.*

*Келар ногоҳ уйғонган*
*Тунги қуюндай.*
*Борингни остин-устун*
*Қилар куюнмай.*

*Севги — айни саратон*
*Ёққан лайлакқор.*
*Ёки музга муз тегиб*
*Ўт чиқса... Зинҳор*

*Бу оловни ўчирма,*
*Кафтингда тутгил.*
*Атиргулга айланар*
*Аланга — кутгил.*

*Ўша — дилни музлатиб,*
*Яна куйдирган.*
*Бемаҳалда бўзлатиб,*
*Қаҳ-қаҳ кулдирган.*

*Саросимага тушма,*
*Ташриф қилса гар.*
*Юрагингга муҳрини*
*Босар-у, кетар.*

*Бу дегани — одамсан,*
*Ташвиш чекма ҳеч.*
*Асл севги ё эрта,*
*Ёки келар кеч...*

2.

*Севги — иблис чалаётган куй,*
*Севги — фариштанинг ноласи.*
*Тингламайман дейсиз-у, аммо*
*Унга асир бўлиб қоласиз.*

*Севги — чаён томизган заҳар,*
*Севги — асаларининг боли.*
*Қўл чўзмайман дейсиз-у, лекин*
*Туйсангиз ҳам ейсиз ётволиб.*

*Севги — дув-дув ёғаётган чўғ,*
*Севги — қиш чилласининг музи.*
*Этагингиз силкийсиз, бироқ*
*Кетолмайсиз пойингиз узиб.*

*Севги — чақмоқ сингари оний,*
*Севги — ҳар лаҳзасида бақо.*
*Шу боис бахт кулиб боқар-у...*
*Бахтли бўлолмайсиз мутлақо!*

**Нодир ЖОНУЗОҚ**

# МЕН СИЗГА ИШОНАМАН



Сўзларингизни негадир узр билан бошладингиз. Тушундим. Чунки севмайсиз. Буни ўзингиз ҳам аниқ тан олдингиз. Бир пайтлар айтган дил изҳорингиз учун кечирим сўрадингиз. Буни ҳам тушундим: чунки у сўзлар ёлғон эди. Сизчи? Арзимаган ёлғонингиз туфайли бир инсон кўнглини вайрон қилганингизни биласизми? Шунга қарамай, Сизнинг хижолатли ҳолатингизни тушуниб ва аллақачон кечириб ҳам юборганман. Аслида, сиз мени кечиришингиз керак. Нимага десангиз, сизга озор бермаслигим керак эди. Ҳеч кутмаган кунингизда сизга юрагимни ёрдим. Ҳайратингиз ошди. Мен эса Сизни бир умр кимдир жонидан ортиқ кўриб яшаётганини билиш сизга озгина бўлса ҳам шодлик бағишлайди деб ўйлагандим. Аммо сиз ўта камтарлик билан менинг севгимни арзимас бир ўткинчи туйғу тушундингиз. Кўнглим оғриди. Яна тушунишга ҳаракат қилдим. Тушуниш севиш демак, деган экан кимдир. Сизни бир умр тушуниб яшаш бахт бўлиб кўринади менга. Мени тушунмаслигингиз эса катта фожеа. Чунки севмайсиз.

«Севгимдай севилиб ўламиз», деб ишонтираман юрагимни. Лекин гапларингизни эшитиб, умидларим сўнади. Агар менга тила тилагингни дейишса, сизнинг муҳаббатингизни тилаган бўлардим. Сиз эса муҳаббатдан буюксиз. Фақат мен учун эмас, қалбингизни англаган инсонлар учун ҳам шундайсиз, деб ўйлайман. Менга юрагингиз кўриниб туради, десам, ишонмассиз. Лекин шундай. Мен бу қалбни ҳаммадан қизғонаман. Сиз ўзингизни қанчалик унинг ичига яширманг, барибир топиб оламан. Бир куни шу юракнинг туб-тубидан менга бўлган муҳаббатнинг жой олганинини кўраман. Бу ҳодиса ҳаётда мен учун энг муҳимдир. Мен худодан фақат шуни сўрайман. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Муҳаббат — энг улуғ неъмат. Бир кун буни ҳис қиласиз. Сизга ишонаман.

**ГУЛНОЗА,**
**Жиззах вилояти**

# ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 2-СОНЛИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча қалам аҳлини матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин юракдан муборакбод этади!*

*Жамият ҳаётининг кўзгуси ва эркин сўзи бўлишдек шарафли ҳамда масъулиятли вазифани адо этишда сизларга сиҳат-саломатлик, журъату жасорат ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!*



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

## акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси

*республикамиздаги барча журналист, қаламкашларни касб байрами билан чин кўнгилдан табриклайди! Ҳаётимиз кўзгуси ҳисобланган оммавий ахборот воситаларида бизнинг шарафли меҳнатимиз ҳам холисона ёритилаётганини эътироф этган ҳолда, сиз муҳтарам қалам аҳлининг заҳматли ва хайрли ишларингизда ҳамиша омадлар ёр бўлишини тилаймиз.*

*Айёмингиз муборак бўлсин!*



Ўзбекистонимизнинг сиёсий-ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, мислсиз бунёдкорлик ишларини ёритиш ҳамда халқимизнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда фаоллик кўрсатаётган қаламкаш-ижодкорларни

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# “КИТОБ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ”

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*касб байрамлари билан самимий табриклайди!*

*Барчангизга ҳаёт ва ижодда омад-зафарлар, жўшқин илҳомлар ёр бўлсин!*



МАШҲУРЛАР ҲАЁТИ

# РЕНЕ ДЕКАРТ:
# БУЮК ҲАСАДГЎЙ

**"Мен фикрлаяпман, демакки мавжудман", деган экан Декарт. Бу олимнинг вафотидан 13 йил ўтгач эса Ватикан унинг асарларини Рим папаси таъқиқлаган китоблар рўйхатига киритиб қўйди. Чунки олис Швеция қироллигида дафн этилган бу одам черков учун ўлимидан кейин ҳам кун сайин хатарлироқ бўлиб бормоқда эди. Нодон ақидапарастлару мутаассиб жоҳил дин арбоблари ундан ҳалиям қўрқишарди. Илм-фаннинг қайноқ алангасини мавҳумий мушоҳадаларнинг совуқ ёғдуси, жонли табиатни қуруқ сафсата билан алмаштиришга урингувчи ақли ноқис кимсалар эса уни ҳали-ҳануз ўзларига душман деб билишади.**

## ДАРБАДАР

Ҳа, Франциянинг миллий ифтихори – файласуф, физик, математик, анатом Рене Декарт – ана шу жиккаккина, хумбош, сержаҳл одам ҳатто ҳозирги кунда ҳам курашнинг олдинги сафларида турибди! Ва савол туғилади: НЕГА?

У ўзи ҳақида шундай деб ёзади: "Туғилганимдан кейин кўп ўтмай онам ғамташвишлардан куйиб, ўпка касаллигидан вафот этган экан. Ундан менга қуруқ йўтал, рангпар тери мерос қолиб, бу дард нақ 20 ёшимгача давом этди. Шифокорлар эса болалигимдаёқ, бу узоққа бормайди, деб айтишган экан". Ўшанда эса гўдакни нормал энага сақлаб қолди, бола ҳам унга чин кўнгилдан меҳр қўйди ва улғайганида бу аёлга бир умрлик нафақа тайинлади.

Шундан сўнг Рене ўз даврининг қироли Генрих IV асос солган энг яхши коллегиялардан бирида, иезуитлар қўлида тарбия олди. Тақдир ўйинларини қарангки, айнан ана шу иезуитлар – олимнинг келажакдаги ашаддий душманлари унинг дастлабки ўқитувчилари бўлишган. Улар қаттиққўл ва айни пайтда адолатли, ақлли, ҳатто эътиборли мураббийлар эди. Нимжон, касалманд бу болакайнинг бошқа сабоқдошларига нисбатан эрталаб уйқудан кечроқ туришига ҳам ана шу ўқитувчилар рухсат беришган.

Рене бу одатини бир умрга сақлаб қолиб, эрталаб тўшакда чўзилиб ётадиган пайтларини фикр-мушоҳадалари учун энг самарали, баракали палла деб билди. У ўқишни ёқтирмасди, 17 ёшида чавандозлик ва қиличбозликдан бошқа нарсага қизиқмади ҳам.

Тез орада у камердинери ва лакейлари билан Парижга келади.

Бу ерда эса зиёфатлар, ичкиликбозлик, қартабозлик бошланади... Кўринишига қараб туриб, Ренени калласи қовоқ, қалби бўм-бўш, умрини қандай ва нега совуришни билмайтган аслзодага ўхшатишарди. У эртаиндин башарият тарихида ақлидроки энг ўткир одамлардан бирига айланишини эса умуман тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасди.

Шу орада кутилмаган ҳол рўй беради – Рене қариндошлари ва шишадошларидан яширин тарзда Сен-Жермен деган жойда овлоқ ва сокин бир уйни ижарага олади. Шу ерга қамалиб олиб, математикани ўрганишга киришади. У гўё ҳаётининг икки йилини машаққатли математик машғулотларга ҳукм қилгандек эди.

Икки йилдан кейин эса яна кутилмаган ва тушунарсиз ҳодиса юз беради – Рене голланд волонтёрлари сафидан ўрин олади. Шундан сўнг бутун Европани кезиб, бир мамлакатдан иккинчисига, бир қўшиндан бошқасига ўтиб юраверади. Вахоланки, у ҳарбий соҳага мутлақо қизиқмайди, доимо жанг майдонларидан узоқроқда, тинч жойларда бўлиш йўлларини излаб топади. "Кўз олдимдаги бу ўйинларда томошабин сифатида қатнашишни истайман", дейди у. Яна ўша ҳолат – малла тусли, мўминқобил зобит, яъни шу "томошабин" бир кун келиб Европа ижтимоий тафаккурига чақмоқдек ёриб киришини тасаввур қилиш қийин.

Униң ақл-заковати ноғаҳонда ва даҳоларга хос тарзда ёришиб улгурганди. "1619 йил 10 ноябр куни, – деб ёзади Рене кундалигида, – ажойиб бир кашфиётнинг асосларини англаб ета бошладим." Бу ўринда гап математиканинг янги, у яратган бўлими – **аналитик геометрия асослари** ҳақида борарди. Декарт **ўзгарувчан миқдор** тушунчасини муомалага олиб кирди. Айнан Декарт туфайли "дифференциал ва интеграл ҳисоб тўсатдан зарур бўлиб қолди ва у Ньютон ҳамда Лейбниц томонидан ихтиро қилинмаган ҳолда, умуман якунланган ва яхлит кўринишда дарҳол пайдо бўлди.."

## ДУНЁ МАНЗАРАСИН ЯНГИЛАБ

Олим дунёнинг янги физик манзарасини яратишдек улкан ишга жуда катта ҳисса қўшди. Шу даврга келиб табиатшуносликда тўпланиб қолган янги ва беҳисоб фактик материалларни умумлаштириш йўлидаги муҳим қадам Рене Декарт ва унинг издошларига тегишли (издошлари Декарт номининг лотинча кўриниши — "Картезий" асосида ўзларини картезийчи деб аташган).

Бу пайтда олим ўтмишнинг ғоявий меросидан ҳали бутқул қутулиб кетолмаганди. Декартнинг натурфилософияси дуалистик характерга эга, зеро, у моддий ва руҳий моҳиятни, табиат ва Худони бирдек тан олади. Худога метафизиканинг туманли, мавҳум соҳаларини ажратгани ҳолда физикада моддий (механистик) асосга таянади.

Унинг физика доирасида, модда ягона моҳият, борлиқ ва англашнинг ягона асоси сифатида намоён бўлади." 1637 йили чоп этилган дастлабки рисолаларидан бирида Декарт янги "амалий фалсафа"ни яратиш ҳамда унинг ёрдамида "олов, сув, ҳаво, юлдузлар, осмон ва теграмиздаги жамики бошқа нарсаларнинг куч-қудратини табиатнинг эгаси ва ҳукмдори" бўлган инсонга хизмат қилдириш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Шуниси диққатга сазоворки, бу асарда осмон ва юлдузлар илоҳий максан эмас, балки инсоният фойда олиши мумкин бўлган объектлар сифатида кўриб чиқилади.

Декарт бутун борлиқда ягона бир модда мавжуд, унинг кўринишидаги жамики ўзгаришлар эса қисмларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Бироқ физикадан метафизика соҳасига ўтар экан, олим "илоҳий иродаанинг ўзгармаслиги тўғрисида ёзади ва Худо ўзи коинотга сингдирган муайян миқдордаги ҳаракатларни Ўзи сақлаб туради", деб таъкидлайди.

Модда, Декарт фикрига кўра, анча дағал ва анча латиф бўлган уч хил заррадан таркиб топган. Энг латиф зарралар флюидларни ташкил этади. Олим, жумладан, ёруғлик ва иссиқлик флюидлари қаторида магнит флюидларини ҳам



тавсифлашга уринган. У тортиш кучини ҳам латиф модданинг ҳаракати натижаси, деб тушунтиради. Латиф модда зарраларининг гирдобсимон ҳаракатини батафсил тавсифлаб беради. Инерцияни модданинг асосий хоссаларидан бири деб билган Декарт инерция қонунини "Ҳаракатлана бошлаган жисм шу ҳаракатини давом эттиради ва ҳеч қачон ўз ҳолича тўхтаб қолмайди", деб таърифлайди.

Декарт билишнинг рационалистик усулига асос солган мутафаккирлардан биридир. У **тажриба ақлга бўйсунади ва фақат ақлгина тадқиқот натижаларига ҳал қилувчи баҳо бериши мумкин,** деб ҳисоблайди.

## БАДҲАЗМ ОДАМ

Инсон сифатида эса Декарт ёқимсиз, инжиқ, ҳасадгўй шахс эди. Унинг олдида бошқа олимларни мақташларига сираям тоқат қилолмасди. Галилео Галилей тўғрисида "... мени билган одамлар мени ундан эмас, у мендан кўпроқ нарса олганини яхши тушунишади", деб ёзган. Декарт ўзи юксак салоҳият соҳиби бўлган ҳолда Эванжелиста Торричелли, Блез Паскални ёмон кўрар, Пьер Фермага ҳақоратомуз мактублар йўлларди. Ҳолбуки, Пьер Ферма (1601 йил 17 август – 1665 йил 12 январ) буюк француз математиги, сонлар назарияси ижодкорларидан бири ва машҳур теоремаларнинг муаллифи сифатида истеъдод-иқтидор бобида ундан асло қолишмасди.

Декарт ўзининг тадқиқотларида бошқа олимларнинг асарларини тилга олиб ўтса ҳам улардан ҳеч қачон кўчирма келтирмаган. Биргина Вильям Гарвейни тан олгандек кўринади. Тўғри, Христиан Гюйгенснинг келажаги порлоқ бўлишини башорат қилган, аммо бу хусусий ёзишмада келтирилгани учун ҳам ҳисобга ўтмайди.

Ўзи эса атрофдагилар уни "асримизнинг ягона Архимеди", "Коинот Атласи", "Қудратли Геркулес", деб улуғлашганида яйраб-талтайиб кетарди. (Атлас ва Геркулес эса – қадимги юнон асотирларининг қаҳрамонлари – маъбудлар ва одамлар ўртасида турувчи титанлар ҳисобланган. Бироқ айни пайтда, Декарт ўзи бошқа буюк даҳоларга ҳасад қилишига, теварагидаги лаганбардорлар уни олқишлаб кўкка кўтаришларига қарамай, ич-ичидан зил кетарди. Ўз кучимга, зиммамдаги вазифани бажара олишимга ортиқча баҳо бермаяпманмикан, катта кетмаяпманмикан, деган шубҳаю гумонлар ич-этини кемирарди.

Узоқ вақт дайдиб юрганидан кейин Декарт бир муддат Париждан қўним топади. Сўнгра Голландияга йўл олиб, ўша ерда йигирма йил яшайди. Лекин бу ердаги ҳаёти ҳам беҳаловат, акс ҳолда турар жойини ўн беш марта ўзгартирармиди? Декарт ўзининг машҳур асарлари – "Усул ҳақида мулоҳазалар", "Илк фалсафа хусусида метафизик мушоҳадалар", "Фалсафа асослари"ни шу ерда — Голландияда яратади. Бу китоблар эса ўрта асрлар зулматидан қутулиб чиқаётган илм-фаннинг келгуси тараққиёт йўлларини кўп йилларга белгилаб берди.

Шу ерда у анатомик тадқиқотларини олиб боради, муртак вужудга келиши жараёнини кашф этади, тиббиётдан астрономияга, ундан оптика соҳасига осонгина кўчиб, шуғулланаверади. Олимнинг асарлари ватанида қандай кутиб олинаётгани ҳақидаги ташвишли хабарлар ҳам шу ерга етиб келади. Декарт иезуитлардан қўрқарди, уларнинг ҳар бир муҳокамасидан юрак олдириб қўйган, шу боис ҳам аҳён-аҳёнда, менсимаган оҳангда мақтаб қўйишса, ёш боладек суюниб кетарди. Галилейнинг қисматини унутмагани учун ҳам мудом таҳликада яшайди.

Баъзида эса олим қўпол тарзда хушомад қилишдан ўзини тийиб қололмайди. Мактубини Швеция қиролichаси Кристина ўқишини билгани ҳолда: "Юксак мақомли зотлар билимлари ҳамда фазилатлари бўйича бошқа одамлардан ўзиб кетиш учун етук ёки етишларини кутиб ўтиришга муҳтож эмаслар", деб ёзади.

Ниҳоятда ёш, думбултабиат ва бағоят эркатой қиролича эса ўзини илм-фан ҳомийси деб биларди ҳамда Стокгольмга кўчиб келиши учун Декартни қандай қилиб бўлмасин кўндиришни хоҳлаб қолганди. Шу мақсадда олимга кетма-кет мактуб йўллар, ҳатто уни олиб келиш учун махсус кема ҳам жўнатди. Ўзига бино қўйган Декартга эса бу юксак илтифот-такаллуф мойдек ёқиб тушди ва у босаётган қадамининг оқибатини заррача ҳам ўйлаб ўтирмай, жўнаб кетади.

Олим балки иезуитларнинг қўли етмайдиган жойларга қочиб кетишни истагандир, ёки бу ерларда етарлича иззат-эътибор топмаяпман, бинобарин, қадримни юксак баҳолайдиган жойда азиз бўламан, деган хомхаёлга боргандир... Яна ким билади дейсиз?

Бироқ Декарт шу ножўя қадамидан тез орада афсус қилган бўлса ҳам ажаб эмас. У бегона мамлакатга келиб қолган, бегона одамлар қуршовида яшарди. Бу ҳам етмагандек думбул қизча уни каллаи саҳарлаб – нақ соат беш ўйготишини айтмайсизми, тонг ёришмай туриб фалсафа билан шуғулланишга бало бормиди?

То пешингача тўшакда яйраб ётишга бир умр ўрганиб қолган олим учун тантиқ қироличанинг бу қилиғи дўзах азобининг ўзгинаси эди. Тун қўйнида каретада қасрга йўл олар экан, даҳшатли совуқ ҳамда изғирин нақ суяк-суягидан ўтиб кетарди. Аввалига у шунчаки тумов бўлдим деб ўйлаганди, кейин маълум бўлишича, ўпкаси шамоллаган экан...

Олим дард исканжасида алаҳсираган лаҳзалари кўзига қон олувчи шифокорлар кўриниб кетарди шекилли, "Жаноблар, француз қонига раҳмингиз келсин!" дея қичқира бошларди. **Умр шоми ниҳоясига етганида ватанини эслаб қолган чоғи, у ўлими олдидан ҳушига келади ва ўз-ўзига оҳиста-гина: "Қани энди кетдик, руҳим..." дейди.**

**Ўшанда Рене Декарт ҳали 54 га ҳам кирмаганди...**

Мухтабар НУСРАТОВА

# КЎНГИЛЛАРИ ОСМОН ҚАДАР



Бундан беш йилча бурун пойтахтда бироз ишлаб, яшаб, ниҳоят, ҳаётнинг кутилмаган зарбаларига учрагач, ўзим туғилиб ўсган Навоий вилоятига қайтишимга тўғри келди. Бир томондан оилавий муаммолар, икки нафар норасида боламнинг ташвишлари, руҳий тушкунлик, иккинчи томондан саломатлигим панд бериб юрган кунларда вилоятда фаолият юритаётган "Қизилқум"(ҳозирги "Фазо") телевидениесига ишга кирдим. Янги жамоа, ўзгача ижодий муҳитга кўникишим, тўғрироғи, сингиб кетишим оғир кечди. Шунинг учун ҳам дастлаб раҳбаримиз бўлмиш Раъно опанинг қабулига турли мавзуларга оид топшириқларни олгани кирганимда ўзимча турли хаёлларга борганман. Яъни у киши менга жуда калондимоғ ва чўрткесар бўлиб туюлган. Озгина муддат ўтгач, лавҳаларим эфирда берила бошлангач, бир куни мени ёнларига чақириб: "Қизим, ҳадеб сиқилаверманг, тақдирга тан беринг-да, энди яшаш учун курашинг. Кўрдим, яхшигина қаламингиз бор экан" дея руҳимни кўтариб қўйди. Шу-шу бўлдию, ўзимни қўлга олдим ва жиддий равишда ижод жараёнига боғланиб қолдим.

Дарвоқе, кейинчалик Раъно Ҳакимова билан опа-сингил, устоз-шогирдлардек бўлиб кетдик. Нафақат менга, балки ҳаммамизга ижодда ҳам, ҳаётда ҳам энг яқин сирдош ва маслакдош сифатида қўлидан келгунича ёрдамини аямасди. Кейинчалик эса Раъно опа "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлимига ишга ўтиб кетди( Айни пайтда эса Навоий шаҳридаги "Умид" маҳалла фуқаролар йиғини раисаси сифатида фаолият юритмоқда). Шундаям у киши билан кўришиб турардик. Турли хил мавзуларга оид маслаҳатларини аямасди. Барибир кўнглимнинг бир четида "Раъно опанинг талабчан ижодкор, меҳрибон ва бағрикенглигининг сири нимада экан?" деган савол турарди. Энди билсам, бу оилада чин маънода адабий-бадиий, яъни журналистикага хос бўлган соғлом муҳит шаклланган экан. Энг муҳими, Раъно опанинг умр йўлдоши, шу хонадон соҳиби Ёрқул ака Умаров ҳам журналист — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Навоий вилоятидаги мухбири, шу билан бирга республика Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари бўлиб ишлайди.

Ҳар йили 27 июнь куни Навоийда «Қаламкашлар оиласи» дея эътироф этилган бу оҳанраболи хонадон эгаларини зиёрат қилиш, уларни касб байрамлари билан самимий қутлаш анъанага айланиб қолган. Биз ҳам эртага дилбар ва латофатли Раъно опани, камтарин ва камсуқум Ёрқул акани бу қутлуғ айём арафасида йўқлаймиз. Ўйлаймизки, шогирдлар эҳтироми бу икки ижодкорнинг кўнгилларини осмон қадар кўтаради.

**Дилдора БОЙМУРОДОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Навоий вилояти**


# ЖИЗЗАХ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ
## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**матбуот, радио-телевидение ходимлари, ношир ва матбаачиларни касб байрамлари билан самимий табриклайди!**



*Бизнинг кўп сонли аҳил жамоамиз ҳам ҳар куни ўнлаб газета-журналларни ўқийди, радио ва телевидение орқали берилаётган эшиттириш ва кўрсатувларни мунтазам кузатиб боради. Халқимиз дастурхонини тўкин, фаровон бўлишига баҳоли қудрат улуш қўшаётган ҳамкасб-ларимиз фаолиятини изчил ёри-тишда журналистларнинг ҳам хизмати катта бўлаётир. Биз бу сермашаққат соҳа ходимлари меҳнати ҳақида ҳар қанча таҳсинларимизни айтсак арзийди. Шундай экан, сизларга ҳамиша ҳалоллик, холислик йўлдош бўлишини тилаймиз.*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту иқбол, ижодий фаолиятингизда эса ҳар доим зафарлар ҳамроҳ бўлсин.*

**Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам қаламкашлар!**

# УЙҚУ АФЗАЛМИ ЁКИ ТАОМ?

СИНОАТ

**...Майда-майда томчилаётган ёмғир остида оппоқ атиргуллар оралаб юриб борардим. Сония сайин қадам ташлашим тезлашарди. Шу пайт кўзим гуллар орасидаги қип-қизил атиргулга тушди. У шунчалик чиройли эдики, узиб олиш ниятида беихтиёр ўша томонга юра бошладим. Энди-энди бу гулни узай деганимда... қўнғироқ овозидан чўчиб уйғониб кетдим...**

Кўзимни очиб, кўрганларим шунчаки туш эканлигини ўйлаб ётар эканман, хаёлим ҳамон ўша қизил атиргулда эди. Бир неча дақиқадан сўнг турдим ва ҳар кунгидек уй юмушларини бажара бошладим. Шу пайт нигоҳим стол устида ётган журналдаги атиргул расмига тушди-ю, хаёлимда тушимда кўрган гул “тирилди”. Қизиқувчанлигим ичимни ёндирар, шууримда эса бир фикр айланарди:«Тушимнинг таъбири қандай экан-а?» Шундай хаёллар билан менга нималардир деб гапираётган бувимнинг овозларини эшитмай қолибман. «Нимадир дедингизми?», сўрадим ўзимга келиб. Бувижоним менга ҳайрон бўлиб қараб қўйди: «Қизим хаёлинг нега паришон кўринади?» дедилар кулиб. Мен ҳам худди бир катта муаммога дуч келгандек қиёфада савол бердим: «Меҳрибоним, бугун тушимда қип-қизил, катта бўлиб очилиб турган атиргулни кўрдим, шунинг маъниси нима экан-а?» Бувим қаҳ-қаҳ отиб кулдилар-да, «Вой болажоним-ей, бу қиёфангни кўриб, бирор бир кўнгилсизлик бўлибдими деб ўйлабман-а, сени дардинг бўлса тушингда экан-да». Менинг сабрим чидамай, «Айтинг, биласизми?» дедим ёлворгансимон оҳангда. «Биламан, биламан қизим, бунинг ҳаммаси яхшиликка. Ахир қизил ёрқин ранг-ку, ҳаммаси хайрли, қизим, бор энди, бир аччиққина чой дамлаб кел-чи».

Хуллас, шу кундан бошлаб мен тушнинг нима эканлигига қизиқиб қолдим. Хўш, улар бирор-бир нарсадан огоҳлантирадими ёки кун давомида бўлиб ўтган воқеаларнинг аксими? Мен астойдил изландим ва қизиқарли маълумотларга дуч келдим: Бундан юз йил аввал айрим олимлар инсон танасида туш кўриш давомида заҳарли моддалар ажралиб чиқади ва организм заҳарланади деб ҳисоблашган экан. Қадимдан инсонлар устидан тажриба ўтказиш таъқиқланганлигига қарамай, турли мамлакатларда олимлар туш кўриш ҳодисаларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Бунга мисол қилиб Хитойни олишимиз мумкин. Бу ўлкада олимлар ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар устида тажриба ўтказганлар. Уйқудан маҳрум этилган одамлар 10 кундан сўнг вафот этганлар. Бу эса туш қандайдир даражада овқатдан ҳам муҳимроқ экан-да, деган фикрга келинган.



Аслида, туш циклли ҳодиса ҳисобланиб, одатда 7-8 соатли уйқу давомида, 5 та цикли алмашиниб боради. Ҳар бир цикл 2 даврдан иборат: секин уйқу ва тез уйқу даври. Инсон ухлаган пайтида секин уйқу даври бошланади ва у 4 босқични қамраб олади, бу пайтда инсон танасида моддалар алмашинуви секинлашади, ҳарорат пасаяди, мушаклар бўшашади. Секин уйқу даври 1,5 соатдан сўнг тез уйқу жараёни билан алмашинади. Бу даврда танада ички аъзолар иши фаоллашади ва айнан шу даврда инсон туш кўради. Ва бу ҳодиса 15 дақиқа давом этади. Уйқунинг қайси даври муҳимлигини аниқлаш учун ҳам тажрибалар олиб борилган. Олимлар тажриба остидаги инсонни уйқунинг маълум даврида уйғотишган, кейин яна ухлашга рухсат этилган. Барча натижалар махсус мосламалар томонидан қайд этиб турилган, Бу тажрибалардан тез уйқу давридан маҳрум этилган инсонларда паришонхотирлик, жаҳлдорлик каби ҳолатлар, хотира пасайиши ва қўрқув пайдо бўлиши аниқланган.

Олимлар тез туш кўриш жараёнида организмда асаб тизимини тикловчи турли хил жараёнлар рўй беради деган хулосага келишган. Туш кўришнинг яна бир қизиқ томони шундаки, кун давомида ҳал қила олмаган саволимизга, тушимизда жавоб олишимиз мумкин экан. Тарихда ҳам бундай ҳоллар кузатилган. Буюк кимёгар Менделеев ҳам элементлар даврий жадвалини тушида кўрган экан.

Инсон соғлигини сақлаш учун 7-8 соат давомида ухлаш зарур. Лекин бунданда кам ухлайдиган инсонлар ҳам тарихда ўзига хос из қолдирганлар: Наполеон суткасига 4 соат, Пётр I, Шиллер, Гётелар 1 соат, Эдекон бўлса 3 соатгина ухлаган холос...

**Шаҳзода УМАРОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**




«Ҳурматли таҳририят! Опам Нафиса туфайли сизларга хат ёзаяпман. Уни оиламизда ҳаммамиз яхши кўрамиз. Ниҳоятда очиқ кўнгил, уй юмушларини ўрнига қўядиган, хушмуомалали, дилкаш қиз. Балки ота-онам ҳам ана шу фазилатлари боис унинг раъйига қараб, вақтида келган совчиларга рад жавобини беришгандир.

Вақтни бежиз оқар дарёга қиёслашмас экан. Ҳаёт бошқа, орзу бошқа деганларидек, неча ўн йилларки, у ўз шаҳзодасини кутаяпти. Лекин ундан ҳалиям дарак йўқ. Ота-онамнинг ёши бир жойга бориб қолган. Улар Нафиса қизимизнинг бахти очилса, кўзимиз очиқлигида эгасига топширсак, кўнглимиз тинчирмиди, дейишади. **Опамнинг ёши 36 да.** Буғдойранг, чиройли, хушчақчақ қиз. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. Жамоасида ҳам обрў-эътиборга эга. Ёшларига мос, олий маълумотли, диёнатли, иши тайин инсон учраса, узатиш ниятидамиз.

**ЗАРИФА,**
**Бухоро вилояти»**

«Кўзимнинг оқу қораси ўғлим Абдулла мактабда аъло баҳоларга ўқиди... Институтга киролмагач, устага шогирд тушиб, шу касбга меҳр қўйди. Синфдоши Муҳаббатга кўнгли бор эди. Ўша пайтда уни уйлантириш, тўй қилиш учун қўлим калталик қиларди. Ахир отаси мен билан бошқа фарзандли бўлолмаймиз, деб ажрашиб кетганди-да. Хуллас, Абдуллани ҳеч нарсага зориқтирмай, ҳалол луқма едираман деб тиним билмай меҳнат қилдим. Лекин севганига ўгай онасининг укаси уйланди. Тўйидан икки кун олдин Муҳаббат уйимизга келиб “Сиз келин қилсангиз тўйим бўлмайди”, деганди. Ёлғиз ўғлим душманли бўлиб қолса, кейин нима бўлади, деб қўрққанман.

Абдулла сўзимни икки қилмай, нoилож айтганимга рози бўлган. Гоҳида унинг севгиси учун курашмаганимга афсусланаман. Балки мени Муҳаббатнинг ота-онаси тушунармиди, деб ҳам афсус чекаман. Кейинчалик келин қилиш ниятида кўп қизларни суриштирдим. Ўғлим бўлса ҳар хил баҳоналар топиб, рад жавобини айтарди.

Ўтган йили қаттиқ касал бўлиб қолдим. Ўғлим қўрқиб кетди ва уйланишга қарор қилди. **Унинг ёши 31 да.** Усталик билан шуғулланади. Бўйи-басти келишган, истарали, меҳнаткаш йигит. 30 ёшгача бўлган, ораста, очиқ кўнгил, тошкентлик қиз овоз берса, ўғлим уйланиб, бахтли ҳаёт кечирса, ниятларим ижобат бўларди. Жавобларингизни интиқ кутаман.

**ЗАМИРА хола,**
**Тошкент шаҳри»**

«Барчиной билан онам касалхонада ётганида танишган эдим. У ҳам укасини олиб ётганди. Онамнинг шу қизга меҳри тушиб қолди. Кейин билсам, у онамга эринмасдан китоб ўқиб берар-кан.

Бир куни дўхтирлар укаси учун қандайдир дори топиб келишини буюришибди. Ишга шошилаяпман, десам ҳам онам бир парча қоғозни қўлимга тутқазиб “Кечгача топиб келгин”, деди. Айтганларидай бормаган дорихонам қолмай, охири кечгача ҳалиги дорини топиб бордим. Барчиной кўзлари чақнаб, ўз қўллари билан тўқиган пайпоқни менга совға қилди. Шу-шу илиқ муносабатларимиз севгига айланди. Тўйимизга унинг отаси кўп қаршиликлар кўрсатди. Чунки отаси қизини қалин бир ўртоғининг ўғлига бермоқчи экан. Бувиси жонимизга оро кирди. Невараганимнинг кўнглига қарамасанг, икки дунёда ҳам сендан розимасман, деб оёқ тираб туриб олгач, кўнишга мажбур бўлишди.

Шундай қилиб, Барчинойга уйландим. У суюкли келин бўлиб, онамнинг дуоларини олди. Ўғил, қизлар кўрдик. Минг афсуски, 15 йилча олдин суюкли аёлим автоҳалокатга учради. Ва оқибатда юрак хасталигини орттириб, охири қазо қилди.

**Ёшим 61 да.** Нафақада бўлсам ҳам ишлайман. Ёшларга ҳунаримни ўргатаяпман. Ёшимга мос, оилани қадрлайдиган, меҳрибон аёл учраса, хабар берарсиз деган умидда сизларга хат ёздим.

**САЛИМЖОН ака,**
**Фарғона вилояти»**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## «ЎКТАМХОН-НУР»
## ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамшира** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Ҳамшира** (тезкор) — 3 ой.
**Тиббий массаж** — 2 ой (амалиёт билан). Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар** — 2 ой (амалиёти билан).
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой (амалиёти билан).
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой (амалиёт билан).
**Педикюр, маникюр** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 3 ой (амалиёти билан).
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Элита парда ва чойшаблар олий курси** — 1 ой (амалиёт билан).
**Сартарошлик** — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).
**Каштачилик** — 3 ой (машинкада вышивка).
**Тўқувчилик** — 2 ой.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**■ Машғулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд.**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.**

**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси**

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 234-25-46**
**Котибият: 233-04-35**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: Олой бозори ёнида**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 9014
Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Феруза РАҲМОНҚУЛОВА**

**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz
**Web-site:** oilavajamiyat.uz

**ISSN 2010-7609**

1 3 4 5